

**ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

**Худоёров Омон Турсунович**

*Ориентал университети*

*Ғарб тиллари кафедраси катта ўқитувчиси*

**ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ  
КОМПЕТЕНЦИИ УЧИТЕЛЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА**

**Худоёров Омон Турсунович**

*Восточный университет,*

*Кафедры западных языков,*

*Старший преподаватель*

**Аннотация:** *Ушбу мақола бўлажак инглиз тили ўқитувчиларнинг касбий лаёқатини шакллантиришда хориж тажрибаси таҳлилига бағишланган. Хусусан, Concurrent Courses усули ва Flanders interaction analysis categories-Фландерснинг ўзаро алоқа қилиш таҳлилининг категориялари ҳақида сўз юритилади.*

**Аннотация:** *Настоящая статья посвящена изучению зарубежного опыта совершенствования профессиональной компетенции учителя иностранного языка. Именно говорится о стиле Concurrent Courses и Flanders interaction analysis categories.*

**Калит сўзлар:** *касбий компетенцияси; microteaching peer-teaching; flow-chart; classroom technique; Concurrent Courses; FIAC; тинглаб тушуниш; гапириш; ўқиш ва ёзув малакалари; назарий ва амалий жихатлар; чет тил таълим жараёни; назарий ва амалий грамматика; инглиз тили назарий ва амалий фонетикаси; инглиз тили лексикологияси; team-teaching; role play; group discussion information gap; acting as teacher's assistant in a genuine class.*

**Ключевые слова:** *профессиональная компетентность; microteaching peer-teaching; flow-chart; classroom technique; Concurrent Courses; FIAC; аудирования и понимание; говорение; навыки чтения и письма; теоретические и практические аспекты; процесс изучения иностранного языка; теоретическая и прикладная грамматика; теоретическая и практическая фонетика английского языка; английская лексикология; team-teaching; role play; group discussion information gap; acting as teacher's assistant in a genuine class.*

Ўзбекистондаги том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларнинг юксак самараси бугунги кунда дунё ҳамжамияти

томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Хусусан, 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган ПҚ1875-сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридан мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилгани ва мустақиллик йилларида 51,7 минг нафардан зиёд чет тиллар ўқитувчилари тайёрлангани таъкидлаб ўтилган [1, б. 3-4].

Шу боис ушбу мақолада хориж олий ўқув юртларида ўқитувчи тайёрлашда оммалашган Concurrent Courses усул ҳақида сўз юритамиз. Бу курс ўқишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчининг касбий тайёргарлигини оширишни назарда тутди. Бу усулга кўра назарий ва амалий билимларни қўшиб олиб бориш мақсадида талабалар ҳар ҳафта бир ёки икки марта мактабга бориб мактаб ўқитувчиси раҳбарлигида ўқув жараёнини кузатади. Кузатиш махсус тузилган саволномалар, топшириқлар асосида олиб борилади. Кузатиш натижалари “Тил ўқитишнинг назарий асослари”, “Тилни коммуникатив ўргатиш” каби курсларда муҳокама қилинади. Бу курсларда турли сермаҳсул методик усуллар қўлланилади. Уларнинг асосийлари: FIAS (Flanders interaction analysis categories-Фландерснинг ўзаро алоқа қилиш таҳлилининг категориялари), microteaching (микроўқитиш), peer-teaching (ўз тенгдошларига дарс ўтиш), flow-chart (жадвал-модел бўйича ишлаш), classroom technique (дарс ўтиш техникаси), team-teaching (гурух бўлиб дарс ўтиш), role play (ролли ўйин), group discussion (гурух бўлиб муҳокама қилиш), information gap (зарур даражада кифоя қилмайдиган маълумотни тўлдириш), acting as teacher’s assistant in a genuine class (ўзининг синфида ўқитувчига ёрдамчи сифатида ўқув жараёнида қатнашиш), видеоёзувларидан ҳамда ТВ фильмларидан фойдаланиш ва бошқалар [2, б. 27].

Шу ўринда улардан айримларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

FIAS услуги профессор Н.Фландерс томонидан яратилган бўлиб у талабаларни педагогик мулоқот қилиш малакаларини ҳосил қилишга қаратилган. Бу усулга кўра талабаларга видеоёзувлар орқали ўқув жараёни намойиш этилиб, унда ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқот қилиш малакаларини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва методик тавсиялар тузиш вазифалари топширилади. Бир неча дарс шу йўсинда таҳлил қилингандан сўнг ўқитувчи бошқа усулдан фойдаланишга киришади. Бу усул микро дарс ўтиш бўлиб, унда ҳар бир талаба ўз гуруҳдошларига дарснинг айрим қисмларини олдиндан тузилган режа асосида ўтади. Дарс жараёни видеокамерага ёзиб борилади ва ундан кейин бўладиган таҳлил шу асосда ўтказилади. Таҳлилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у умумий йўналишга қаратилмасдан, балки талабанинг конкрет коммуникатив малакаларини кузатишга, ўргатишга ва уларни

такимлаштиришга қаратилган. Бу иш усули Европа ва Американинг барча педагогик олий ўқув юртларида кенг қўлланилади. Бу усулни ҳам мактабда, ҳам ОўЮида қўллаш мумкин [4, б. 17].

Кенг тарқалган усуллардан яна бири-ТВ фильмларидан фойдаланиш бўлиб, у ТВ фильм курси деб номланган. ТВ фильми ёрдами билан касбий методик малакаларни ҳосил қилиши қуйидаги изчилликда олиб борилади:

- 1) қуйилган аниқ масала бўйича маълумотни ўрганиш (у ёки бу кўникамани ҳосил қилиш йўллари аниқлашга оид маълумотга эга бўлиш),
- 2) мини-дарс ўтишга ҳозирлик кўриш,
- 3) мини-дарсни ўтиш ва уни видеомагнитофонга ёзиб олиш,
- 4) мини-дарс видеоёзувини намойиш этиш ва уни таҳлил қилиш,
- 5) ўқув материални такроран ўрганиш,
- 6) мини-дарсни такроран ўтиш ва уни видеомагнитофонга ёзиш,
- 7) мини-дарсни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш. [5, б. 34-37].

ТВ мини-дарсларининг тузилиши ва мазмуни қуйидагича: бу дарс 2 фильмдан иборат бўлиб, унинг ҳар бири икки қисмдан иборат. Ҳар бир қисм 10 дақиқа давом этади.

Биринчи қисм, Instructional Lesson, дарсга йўл-йўриқ кўрсатишдир. Бу қисмда дарсда ҳосил қилинадиган кўникмалар намойиш этилади ва уларга изоҳлар берилади. Сўнг назоратни таъминловчи саволлар берилади. Агар улар қийинчилик туғдирса фильмнинг бу қисми такроран кўрсатилади.

Иккинчи қисм, Practice Lesson, амалий дарс ўз навбатида икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчисида “А”-намунаси, иккинчисида “Б”-намунаси берилган. “А”-намунасида ҳосил қилинадиган малакалар бошқа малакалар билан биргаликда намойиш этилади, “Б”- намунасида эса “А”- намунаси такроран кўрсатилиб, талабаларга ҳосил қилинаётган малакаларга изоҳ бериш топшириғи берилади ва намунанинг охирида тўғри жавоб берилади. Натижада ҳар бир талаба ўз жавобини, изоҳини тўғри жавоб орқали текшириб олишга муяссар бўлади [5, б. 18-24].

Яна бир сермахсул иш омилларидан бири simulation/role-playing ролли ўйинлардир. Бу усул нафақат олий ўқув юртларида, балки ўрта ва бошланғич мактабларда ҳам кенг миқёсда ишлатиладиган усуллардан бири ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий малакаларини ҳосил қилишда бу усулдан фойдаланишнинг мақсади таълим жараёнини имкон қадар ўқитувчининг ҳақиқий келажак педагогик фаолияти мазмуни ва шаклига яқинлаштиришдир. Бу усулга кўра Олий ўқув юрти ўқитувчисининг иш тажрибасини, аудитория, гуруҳ муҳитини акс эттирувчи педагогик вазиятлар яратилиб, талабаларни таълим ва тарбиявий масалаларини ҳал этишга жалб қилинади [3, б. 144].

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Япония, Малайзия каби мамлакатларнинг илғор олий таълим муассасаларида ўқитувчининг

касбий лаёқатини шакллантиришда қўллаётган юқоридаги каби замонавий услубларни республикамиз педагогик кадрарни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари амалиётида ҳам кузатиш мумкин..

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Жалолов Ж. Бўлажак чет тил ўқитувчисининг касбий йўналтириш технологияси: Илмий –амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2009. Б. 3-4.
2. Зиёмухамедов Б. Педагогика. Тошкент: “Турон-Иқбол”, 2006.
3. Сатторов Т. Бўлажак чет тил ўқитувчисининг касбий йўналтириш технологияси: Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2009. Б. 235-236.
4. Сборник статей. Перспективы и тенденции в образовании взрослых. Изд. Тимошка Санкт-Петербург, 2000.
5. Конспекты семинара Конференция учителей английского языка в Узбекистане. Ташкент, 2009. 200 с.